

2021 ЙИЛ НАМАНГАН ВИЛОЯТИНИ ИЖТИМОЙ-ИҚТІСОДИЙ РИВОЖЛАНТИРИШ РЕЖАЛАРИ

Иқтисодий үйналишда

Макроиқтисодий күрсаткичлар:

2021 йилда амалга оширилиши режалаштирилган лойиҳалар ва зарурий чора-тадбирлар натижасида ялпи худудий маҳсулот ҳажми **27,5 трлн.сүмни** ташкил этиши ёки 2020 йилга нисбатан **105,3 фоизга** ўсиши режалаштирилди.

Жумладан, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш **110,5 фоизга**, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари **102,5 фоизга**, пудрат ишлари **108,8 фоизга**, чакана савдо айланмаси **107,0 фоизга** ва жами хизмат ҳажми **106,2 фоизга** ўсиши прогноз қилинган.

Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш натижасида 2021 йилда ялпи худудий маҳсулотда **кичик бизнеснинг улуши 80,5 фоизни** ташкил этиши, жумладан, саноатда **52,5 фоизни**, қишлоқ хўжалиги **98,5 фоизни**, қурилишда **91,1 фоизни**, савдода **90,3 фоизни** жами хизматларда **66,2 фоизни** ташкил этиши кутилмоқда.

Шунингдек, тадбиркорлик фаолиятида меҳнат қилаётгандар фуқароларнинг кичик бизнесдаги **улуши 83,0 фоизни** ташкил этиши мўлжал қилинган.

Маҳаллий бюджет режалари:

2021 йил маҳаллий бюджет даромадлари режа кўрсаткичлари **1 трлн. 738 млрд.сүм** ва харажатлари **3 трлн. 254 млрд.** сүм қилиб белгиланиши кутилмоқда.

2021 йилда ҳам **солиқ тушуми манбааларини қўпайтириш**, жойларда тўлов интизомини мустаҳкамлаш ҳамда барча даражадаги маҳаллий давлат ва бошқарув органларининг бу борада масъулиятини ошириб **даромадлар режасини ортиғи билан бажарилишини ўзимизга мухим вазифа қилиб белгилаб олдик.**

Бунда, тадбиркорлик субъектлари сонини **2 баробарга** ошириш ҳисобидан **бюджетга солиқ тушумларини** оширишга эришилади.

Келгуси йилда ҳам 2020 йилда амалга оширилган ишларнинг давоми сифатида маҳаллий бюджетнинг даромадлар режасини ортириб бажарилиши ҳисобидан вилоятдаги **13 та** шаҳар ва туманларда **208 та** маҳаллалардаги **аҳолининг яшаш шароитларини тубдан яхшилаш** ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун сектор раҳбарларини қўллаб-қувватлаш мақсадида ажратилиши белгиланди.

Шунингдек, вилоят, шаҳар ва туман **депутатларини халқ олдида обрў-эътиборини кўтариш, аҳоли муаммоларини ўрганиш ва жойида ҳал этишларида амалий ёрдам** бериш мақсадида маҳаллий бюджет ҳисобидан маблағлар ажратилади.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик:

Янгидан фаолият бошлиётган тадбиркорларга фаолиятини ташкил қилиш ҳамда уларга ғояларни шакллантириш, бизнес-режаларни тайёрлаш ва уларни тижоратлаштириш, тадбиркорлик фаолиятини янада оширишни ўргатиш учун beminnat хизмат қилувчи “**Бизнес-инкубатор**” маркази ташкил этиллади.

Ушбу марказлар дастлаб **Наманган, Тўракўрғон** ва **Чорток** туманларда ташкил этиш режалаштирилган.

Юқорида белгиланган вазифаларни амалга оширилиши ҳисобига 2021 йилда **6,5 мингта** тадбиркорлик субъектлари ташкил этилиб, улар сони **33,5 мингтага** етказилади, банклар томонидан бу соҳага ажратилаётган кредитларни **2 баробар** ошириб, **6,0 трлн. сўмга** етказиш таъминланади. Шу жумладан,

- **Хизмат кўрсатиш** дастури бўйича **500,0 млрд.сўм**;
- “**Ҳар бир оила – тадбиркор**” бўйича **1,0 трлн.сўм**;
- “**Ёшлар - келажагимиз**” дастури бўйича **50 млрд.сўм**;
- **Хунармандчилик** дастури доирасида **50,0 млрд.сўм**;
- **Хотин-қизларни** ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди томонидан **50,0 млрд. сўм**, жами **1 трлн 650 млрд.сўм** кредит маблағлари ажратилади.

Кичик саноат зоналари янада ривожлантириш:

Давлат раҳбарининг вилоятга ташрифлари давомида Наманган шаҳрининг **Юксалиш кичик саноат** зonasи фаолияти билан яқиндан танишиш чоғида вилоятнинг ҳар бир туман (шаҳар)ида 2020-2021 йилларда камида **4 тадан**, яъни ҳар бир сектор раҳбари ҳудудида **биттадан кичик саноат зоналарини** ташкил этиб, улар сонини ҳозирги **14 тадан 50 тага** етказиш бўйича аниқ топшириқлар берилган эди.

Шу боис, **Наманган тажрибаси сифатида** шаҳар ва туманларнинг **ҳар бир секторларида** янги кичик саноат зоналари ташкил этиллади ва сектор раҳбарлари бунга бошчилик қилади. Бунда,

- вилоятдаги кичик саноат зоналари **75 тага** етказилади;

Мисол учун, Чорток туманида самарасиз фойдаланилмаётган **37,5 гектар** ер майдонида кичик саноат зonasи ташкил этиб, умумий қиймати **230,0 млрд.сўмлик**

110 та лойиҳаларни жойлаштириш ҳисобига **5 500 та** янги иш ўринларини яратиш кўзда туттилмоқда.

- ёшлар ўртасида тадбиркорликка қизиқиши ва уларни истакларини амалга ошириш мақсадида вилоятнинг ҳар бир ҳудудида “**Ёшлар**” кичик саноат зоналарини ташкил этиш бошлаб юборилди.

Биргина мисол, Наманган шаҳридаги Юксалиш даҳасида ёш тадбиркорлар учун “**Ёшлар**” маҳсус кичик саноат зонасини ташкил этилди. Ушбу **30 гектарли** ҳудудда **65 та** лойиҳа амалга оширилиши ва келгусида “**Ёшлар дафтари**”га киритилган ўғил-қизлар учун **3,5 мингта** янги иш ўрни яратилади.

- кичик саноат зоналарини маҳаллаларда ташкил этилади ва натижада маҳаллалардаги аҳолининг бандлиги таъминланади. Бунда, “**Темир дафтари**”, “**Аёллар ва Ёшлар дафтари**”га кирган ишсиз фуқароларни ишга жойлаштиришга алоҳида эътибор қаратилади;

Биргина мисол, ташкил этилган “**Орзу**” МФИдаги кичик саноат зонада фаолият юритаётган корхоналардаги 1500 дан ортиқ иш ўринларда маҳалладаги ишсизлар билан чекланиб қолмай, қўшини ҳудудларнинг фуқаролари ҳам жалб этилди.

- **ижара асосида** фаолият кўрсатаётган саноат корхоналари учун **биринчи навбатда** кичик саноат зоналаридан ер майдон ажратилади

Алоҳида таъкидлаш жоизки, Мұхтарам Президентимиз томонларидан Наманган вилояти кичик саноат зоналари учун **50,0 млн. АҚШ доллар** маблағ ажратилган бўлиб, мазкур маблағлар қуийдагиларни қўллаб-қувватлашга йўналтирилди. Жумладан,

- экспортёр корхоналар маҳсулотларига чет-элда **мувофиқлик сертификатини олиш ҳаражатларини қоплаб бериш**;

- ташаббускорларнинг халқаро бозор ва кўргазмалардаги иштирокини молиялаштириш;

- КСЗ дирекциясининг ҳаражатлари ва **коммуникация тортиш ҳаражатларни қоплаш** каби мақсадлар белгилаб олинган.

Ушбу имкониятлар эвазига биз тадбиркорни **қўллаб-қувватласак, унга озгина далда** берсак, ер ажратиб бериш билан биргалиқда коммуникациясини яхшилаб берсак бунинг эвазига улар томонидан янги иш ўринлари ва янги турдаги маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига эришилади ва қўшимча даромад манбаи аниқланади.

Эркин иқтисодий зоналар:

Вилоядда бугунги кунда **2 та** “**Косонсой-фарм**” ва “**Наманган**” эркин иқтисодий зоналар ўз фаолиятини олиб бормоқдалар.

- “**Наманган ЭИЗ**” томонидан умумий қиймати **499,8 млн. долларлик 13 та** истиқболдаги лойиҳалар амалга оширилади ва бунинг натижасида

4 125 та янги иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

- “**Косонсой фарм**” эркин иқтисодий зонасида умумий қиймати **12,5 млн.долларлик 4 та** йирик лойиҳалар фойдаланишга топширилади ва натижада **850 та** янги иш ўринлари барпо этилади.

Мисол учун, “Синэржи” МЧЖ томонидан қиймати 4,0 млн. АҚШ долларлик тиббиётда ишлатиладиган катетерлар ва тиббиёт жиҳозлари ишлаб чиқариши ташкил этиши лойиҳаси амалга оширилади ва 40 та иш ўринлари яратилади.

Шунингдек, **тикувчилик брендини** яратиш бўйича жами **300 гектар**, шундан 1-босқичда Наманган шаҳрида, 2-босқичда Тўракўрғон туманида ва 3-босқичда Чорток туманида **100 гектар**дан иборат “**Наманган текстил**” **эркин иқтисодий зonasи** ташкил этилади.

Саноатни ривожлантириш:

Кичик бизнесга мансуб саноат корхоналарини модернизация қилиш, янги иш ўринлари яратиш, кооперация алоқаларини ривожлантириш орқали 2021 йилда **йирик корхоналар улушини** ошириш режалаштирилди.

Ҳисоб-китобларга кўра, вилоятда 2020 йилда жами фаолиятдаги **54 та** йирик саноат корхоналарнинг саноатдаги улуши **50,1 фоизни** ташкил этган бўлса, 2021 йилда яна **12 та** корхоналар йириклаштириш эвазига улуши **55,0 фоизга** етказилади.

Жумладан, Косонсой туманидаги “**Соф сифат текстил**” ХК МЧЖ (сочик ва адёл маҳсулотлар), Норин туманида янги ташкил этилаётган қурилиш техникаларини ишлаб чиқариш ва йиғишига ихтисослашган “**BJ Sicoma**” МЧЖ, Поп туманидаги “**Namangan Agro Logistic**” МЧЖ, Учқўрғон туманидаги “**Мухаммадали хамкор бизнес**” МЧЖ (*томат пастаси ва концерва маҳсулотлари*) корхоналари йирик корхона туркумига ўтказиш режалаштирилди.

Муҳтарам Президентимиз жорий йил 4 декабрь куни пойтахтнинг Янгиҳаёт туманида барпо этилган **Тошкент металлургия заводининг очилиш маросимида** мамлакат иқтисодиётида муҳим аҳамиятга эга бўлган ушбу мажмуя очилишини **«тарихий воқеа»** деб атадилар.

Вилоятимизда ҳам 2021 йилда йирик бўлган Чуст туманида **“XINDA GROUP” МЧЖ ҚК** томонидан умумий қиймати **60,0 млн.доллар** хорижий инвестиция хисобига йиллик қуввати **1,3 млн.тонна** **400-600 маркали** цемент маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилади ва **300 нафар** янги иш ўринлари яратилади.

Шунингдек, Наманган шаҳридаги “**Жаҳон бозори**”даши мавжуд **450 та** хизмат кўрсатувчи субъектлар сонини **1 000 тага** етказиш чоралари кўрилади. Бунда асосан, республикадаги йирик ва нуфузли эркаклар кийим-кечаклари ишлаб чиқарувчи корхоналар билан биргалиқда маҳаллий ишлаб

чиқарувчиларнинг савдо ва хизмат кўрсатиш дўйонларни ташкил этиш орқали **савдо-хизмат туризимини ривожлантирилади**.

Шунингдек, ушбу бозор ҳудудида Тикувчилик ва чарм-пойабзал савдо ишлаб чиқариш **комплекси ташкил этилади**.

Бундан ташқари, **ер ости бойликларидан** самарали фойдаланишни ташкил этиш мақсадида тадбиркорларга жами **168 та**, шундан **67 та** геологик ўрганишга ва **101 та** қазиб олишга тегишли лицензиялар берилган, шунингдек, **14 та** кон захиралари ўзлаштиришга тайёрланмоқда.

Келгусида маҳаллий хом-ашё захираларини саноатда ўзлаштиришни ташкил этиш учун жами **11 та** норуда қазилма конларини ўзлаштириш режалаштирилган.

Жумладан, 1 та чинни хомашёси, **1 та** плавикили шпат, **3 та** шиша хомашёси, **1 та** тош-қолип хомашёси, **1 та** бурғилаш учун гиллар, **2 та** цемент хомашёси, **1 та** табиий пардоззобот тошлар, **1 та** қурилиш тошлари ўзлаштирилади.

Худудлар рейтинги:

Давлатимиз раҳбарининг “Худудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг рейтинг баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”ги қарорларига асосан паст кўрсаткичдаги **Мингбулоқ** ва **Янгиқўрғон** туманларидаги аҳвол “**қониқарсиз**” деб баҳоланган.

Ушбу худудларни қониқарли ва яхши тоифага ўтказиш бўйича ҳар бир ҳудуднинг ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришда унинг иқтисодиётга турки берувчи “**ўсиш нуқталари**” белгилиб олинди ва Халқ депутатлари Кенгашлари томонидан амалий чора-тадбирлар режаси тасдиқланди.

Шунга асосан “**қизил**” худудларга тушган туманларда барча дастурлар доирасида **4-5 мингтадан** янги иш ўринлари яратилади.

Хусусан, Мингбулоқ туманида **552,6 млрд** сўмлик **129 та** лойиҳа ва Янгиқўрғонда **547,8 млрд** сўмлик **143 та** лойиҳалар амалга оширилади.

Натижада, 2020 йил якуни билан **Янгиқўрғон тумани яшил, Мингбулоқ тумани сарик** худудлар тоифасига ўтиши хисоб-китоб қилинди.

Ижтимоий-иқтисодий дастурлар:

Тўрақўрғон туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Наманган вилоятининг Тўрақўрғон туманини 2020-2022 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва камбағалликни қисқартириш юзасидан қўшимча чора-тадбирларни тасдиқлаш тўғрисида” **524-сон қарори** қабул қилинган.

Қарорга асосан 197 та лойиҳа доирасида **2 819,5 млрд**.сўм маблағ ўзлаштириш кўзда тутилган. Хусусан,

Чортоқ туманини ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш мақсадида

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 23 ноябрдаги “2020—2022 йилларда Наманган вилоятининг Чорток туманини комплекс ижтимоий-иктисодий ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги **742-сон қарори** қабул қилинган.

Қарорга асосан, умумий қиймати **1,56 трлн.сўм** бўлган **8820 та** лойиҳалар амалга оширилиши белгиланган. Жумладан,

Бундан ташқари, Наманган шаҳрида бошқарув ҳамда аҳоли учун ижтимоий ва майший қулийликлар яратиш мақсадида ташкил этилган **Давлатобод тумани** учун алоҳида комплекс **Дастур ишлаб чиқилади**.

Инвестиция лойиҳалари:

Ҳудудий инвестиция дастури доирасида умумий қиймати **9,7 трлн.сўмлик 473 та** лойиҳаларни ишга тушириб, **28 904 та** янги иш ўринлари яратиш режалаштирилди. Жумладан,

- саноатда **6,6 трлн.сўмлик 189 та** (*22 004 та иш ўрни*);
- қишлоқ хўжалигида **1,9 трлн.сўмлик 122 та** (*3 106 та иш ўрни*);
- хизмат кўрсатишда **1,3 трлн.сўм** бўлган **162 та** (*3 794 та ўрни*) лойиҳалар амалга оширилади.

Дастурдаги лойиҳаларнинг ишга тушиши эвазига **40 дан** ортиқ **янги турдаги маҳсулотлар** ўзлаштирилади.

Мисол учун, “Аср текс” МЧЖ томонидан грил печь, нон ва қандолатчилик технологиялари ҳамда ресторон жихозлари, “Мега камра строй” МЧЖ томонидан турникет ва камера маҳсулотлари “Аббокос” МЧЖ томонидан аёллар уласи ва пудраси каби янги маҳсулотлар ишлаб чиқарилади.

Шунингдек, халқаро молия институтлари билан ҳам ишлашга ҳокимларимизга рухсат берилганлиги боис, **ташаббус ва таклифларни ишлаб** чиқиб келгуси йилда **267,2 млн.доллардан** оширишини режалаштирганимиз.

Экспортни қўллаб-қувватлаш:

Экспорт фаолиятига янги корхоналарни жалб этиш ва янги турдаги маҳсулотларни экспортга йўналтиришга алоҳида эътибор қаратилади.

2021 йилда жами **454,7 млн.долларлик** товар ва хизматлар экспортга чиқарилади ва бу кўрсаткич жорий йил якунига нисбатан **117,4 фоизга** ортиши белгилаб олинди.

Шундан, саноат маҳсулотлари **293,6 млн.долларни** ташкил этиб, **116,0 фоизга** ортади ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари **161 млн. долларни** ташкил этиб, **119,2 фоизга** ортади. Ҳусусан,

- ҳозирда вилоятимизда илк бор янги Швеция давлати билан ҳамкорликда **7 турдаги** мағиз маҳсулотларини қадоқлаш ва уни 100 фоиз

Европа давлатларига экспортга йўналтиришга ихтисослашган қиймати **2,0 млн.** долларлик “**Sara Europa Exim**” хорижий корхонаси (Наманган туманида) ташкил этилди. Мазкур корхона 2021 йилда **10,0 млн.** долларлик;

- “**Арт Соф холдинг**” томонидан амалга оширилаётган **6 та** йирик лойиҳалар (момик ва вафель сочиқлар, тайёр тикув маҳсулоти, тайёр мато) ҳисобига Россия, Хитой, Украина ва Беларусия давлатларига **40 млн.доллар** маҳсулотларни экспортга йўналтирилади;

- Россия Федерациясининг “**Магнит**” савдо тармоғи раҳбарлари вилоятга ташриф буоришида ва вилоятдаги мева сабзавот маҳсулотларини экспорт қилувчи тадбиркорлар билан **музокаралар ўтказилди**. Натижада Чуст туманида янги “**Best Future Agro Logistics**” корхонаси очилиб, шу корхона орқали 2021 йил давомида **20,0 млн.** долларлик маҳсулотлар экспорти амалга оширилишига келишиб олинди.

Қурилиш йўналишида

Инвестиция дастури:

Вилоядта **92 та** обьектларда 2021 йил давомида **527,7 млрд.сўмлик** қурилиш ишлари бажарилиши режалаштирилган. Жумладан,

- **52 та** ижтимоий обьектларга – **306,0 млрд.сўм**
- **2 та** ичимлик суви обьектлари - **20,4 млрд.сўм**,
- **4 та** ирригация ва мелиорация обьектларга – **32,3 млрд.сўм**,
- **11 та** ободонлаштириш қирғоқларни ҳимоялашга - **95,0 млрд.сўм**,
- **7 та** автомобил йўллари обьектлари - **68,5 млрд.сўм**,
- **2 та** ЭИЗларни ичимлик ва оқава суви - **5,3 млрд.сўм**

Маҳаллий инвестиция дастури:

Маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан ижтимоий соҳа обьектларини таъмирлаш бўйича 2021 йилги **ички инвестиция дастури** шакллантирилади.

Бунда, биринчи навбатда таъмирталаб обьектлар бўлган **12 та** мактабгача таълим муассасалари, **49 та** умумтаълим мактаблари ва **2 та** “Баркамол авлод” болалар маркази, **12 та** (3 та ҳудудий бўлум, 4 та ҚОП, 1 та шаҳар ОП, 4 та ҚВП) тиббиёт муассасалари замонавий қиёфага келтирилади.

Бунёдкорлик ишлари:

Шаҳар ва қишлоқларни замонавий қиёфага келтириш асосида ўрта ва йирик шаҳарларни ривожлантириш ҳамда урбанизация жараёнларини жаҳон андозаларига мувофиқ ташкил қилиш чоралари кўриб борилмоқда.

Жумладан,

- Наманган шаҳрининг Бош режасига мувофиқ Наманган шаҳридаги

Ҳамроҳ кўчасида **17 та** кўп қаватли турар-жой;

- Уйчи кўчасининг 2-босқичида **15 та** савдо ва майший хизмат кўрсатиш шаҳобчаларини ўз ичига олган кўп қаватли турар-жой ва инфратузилма обьектлари;

- Амир Темур кўчаси худудида **“Ҳалқаро бизнес маркази ҳамда замонавий бизнес мактаби”**ни қурилиш ишлари бошланиб, келгуси 2021 йилда тўлиқ ишга туширишни;

- Шаҳрининг, Гўзал ва Ҳамроҳ кўчалари кесишимасида лойиҳа қиймати **152,0 млрд. сўмдан** иборат янги кўприк (йўл ўтказгич) қуришни режалаштирганмиз.

Бундан ташқари, **аҳолини арzon уй-жой** билан таъминлаш борасида ҳам зарурий чораларни кўриб, вилоят бўйича **1 600 хонадонли 50 та кўп қаватли уй-жойларни қуриб**, зарурий инфратузилма билан таъминлаймиз.

Шунингдек, Наманган шаҳридаги Фурқат ва Гулистон маҳаллалари ўрнида қурилиши режалаштирилган **Namangan city** қарорини бекор қилдик ва Наманган шаҳрига туманлардан қўшиб берилган ерларда **53,3 гектарлик “Namangan New City”** шаҳарчаси барпо этилиши режалаштирилди.

Бу ерда кўп қаватли турар жойлар, ижтимоий соҳа обьектлари, кўнгилочар ва дам олиш масканлари, савдо ва майший хизмат кўрсатиш обьектлари, янги коммуникация тармоқлари **мужассам бўлади**.

Шунингдек, туризмни ривожлантириш мақсадида **Аҳсиент археологик музейи** қурилади ва унинг атрофида хизмат кўрсатувчи инфратузилма обьектлари ташкил этилади.

Жаҳон банки маблағлари:

Жаҳон банкининг Ҳалқаро тараққиёт уюшмаси ва Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки иштирокида **“Қишлоқ инфратузилмасини ривожлантириш”** лойиҳаси доирасида Наманган вилояти учун ажратилиши кўзда тутилган **72,2 млн.доллар** маблағлар Чорток, Чуст, Поп, Мингбулоқ ва Янгиқўрғон туманларига йўналтириш белгилаб олинди.

Ушбу маблағлар эвазига **чекка қишлоқларнинг** қўйидаги йўналишлари ривожланирилди. Хусусан,

Вилоят бўйича **92 та** умумтаълим мактаби, **106 та** мактабгача таълим ва **23 та** тиббий муассасалари, **1,5 минг км** ички йўллар, **939 км** тоза ичимлик суви тармоғи ва **99 та** сув иншоотлари, **350 км** электр таъминоти тармоқлари таъмирланади, **191 дона** трансформаторлар ҳамда **11 200 та** таянч устунлари янгиларига алмаштирилди.

Аҳолининг ичимлик ва оқава суви таъминоти:

Вилоят бўйича **11 та** обьектлар доирасида **154,8 км** ичимлик ва

оқава сув тармоқларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш ишларига **142,2 млрд.сўм** сарфланиши режалаштирилган. Ҳозирда мазкур объектларнинг дастлабки манзиллий рўйхатлари шакллантирилиб, “Ўзсувтаъминот” АЖга тақдим этилган.

Ушбу ишларни амалга оширилиши натижасида **39 266 нафар** аҳоли янгитдан ичимлик суви билан таъминланиши, **10 474 нафар** аҳолининг ичимлик сув таъминоти яхшиланиши ҳамда **2 000 нафар** аҳолининг оқава сув тармоғига уланиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, Наманган вилояти **аҳолисини ичимлик сув таъминотини** янада яхшилаш, иншоотларни техник ва технологик жиҳатдан модернизация қилиш мақсадида умумий қиймати **241,2 млн.** АҚШ долларини ташкил этувчи **4 та** лойиҳаларга **196,5 млн.** АҚШ доллари миқдорида Халқаро молия институтларининг имтиёзли кредитларини жалб этиш бўйича ишлар олиб борилмоқда.

Қишлоқ хўжалиги йўналишида

Озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш:

Вилоятда 2021 йил ҳосили учун **96,1 минг** гектар экин ер майдонларига, шундан **11,4 минг** гектар асосий, **67,9 минг** гектар такрорий ҳамда **16,8 минг** гектар оралиқ майдонларга қишлоқ хўжалиги экинлари экиласди.

Шу билан бирга, 2021 йилда эртаки экинлардан ва ғалладан бўшайдиган **67,9 минг** гектар ҳамда **11,4 минг** гектар боғ ва ток қатор ораларида қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириллади.

Аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш мақсадида мавжуд **372,4 мингта** аҳоли хонадонларидаги **19,9 минг** гектар томорқа ерларининг **11,7 минг** гектарига тўқсонности, **12,2 минг** гектарига эртаки ва **16,8 минг** гектарига ўртаки экиш ташкил этилади.

Юқорида тадбирлар натижасида, жами **3 087 минг** тонна, шундан, **470,8 минг** тонна бошоқли дон, **197,4 минг** тонна пахта, **247,0 минг** тонна сабзавот, **75,3 минг** тонна полиз, **83,2 минг** тонна картошка, **7,6 минг** тонна мойли, **15,2 минг** тонна дуккакли, **289,9 минг** тонна мева, **133,2 минг** тонна узум, **154,2 минг** тонна гўшт, **729,7 минг** тонна сут, **6,9 минг** тонна балиқ, **608,8 млн.** дона тухум ишлаб чиқарилади.

Ерларни ўзлаштириш:

Табиий ресурслардан оқилона фойдаланиш ва атроф-муҳит муҳофазасини таъминлаш бўйича 2021 йилда **4 301 гектар** майдонлар фойдаланишга киритилади.

Жумладан, **1 544 гектар** оборотдан чиқиган экин ер майдонлари фойдалинишга қайтарилади ва **2 757 гектар** ерлар ер ости сувлари

хисобига оборотга киритилади.

Шунингдек, Давлат раҳбарининг Наманган вилоятига ташрифлари давомида “Халқаро тикланиш ва тараққиёт банки” иштирокидаги “Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш” лойиҳаси кредит линия маблағлари хисобидан **Поп туманида замонавий типдаги лимон етиштириш иссиқхона комплекслари** ташкил қилиш учун **50 гектар** ер майдонида **50 та** ташаббускор тадбиркорларнинг хар бирига **7 йил** муддатга йиллик **19% устама** тўлаш шарти билан **3 йиллик имтиёзли** давр асосида **1,1 млрд сўм** миқдорида узоқ муддатли кредитлар ҳисобига амалга оширилади.

Ижтимоий соҳа йўналиши

Мактабгача таълим тизими:

Мактабгача таълим тизимини ривожлантириш, уларни моддий-техника базасини мустаҳкамлаш борасида **Давлатимиз раҳбарининг** 2020 йил 7 ноябрдаги ПФ-6108 сонли Фармонларига мувофиқ, мактабгача таълим тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самарадорлигини янада ошириш чоралари кўрилади.

Унга кўра, Наманган шаҳри ва барча туманларда жорий йил якунига қадар 6 ёшли болаларни **бепул бир йиллик таълимга тортилади**.

Шу билан бирга, **4 та**, Норин, Тўрақўрғон, Чуст ва Косонсой туманлари маҳалла фуқаролар йигини ва педагогик коллажлар қошида **“ЮНИСЕФ”** болалар жамғармаси билан ҳамкорлиқда **альтернатив гуруҳлар ташкил этилди**

Вилоят бўйича **3 ёшдан 7 ёшгacha** бўлган болаларни Мактабгача таълимига қамраб олиш кўрсаткичини ошириш мақсадида:

- тўлиқ қувватда ишламаётган ташкилотларнинг **80 та** гуруҳ хоналари таъмирланади;

- **15 та** педагогика коллажлари базасида хамда бўш турган биноларда янги давлат мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилади;

- **9 та** давлат мактабгача таълим ташкилоти иншоотлари инвестиция дастури доирасида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилади;

- **250 та** нодавлат ва оиласвий мактабгача таълим ташкилотлари ташкил этилади;

- мактабгача таълим ташкилотларининг бўш турган майдонларига **5 та** мобил типдаги боғчалар (автобусли) ташкил этиш ҳисобига **18 935 нафар** болаларни қўшимча қамраб олиш ва қамров кўрсаткичлари **70 фоизга етказилади**.

Халқ таълими тизми:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 ноябрядаги

ПФ-6108-сонли Фармонига мувофиқ, навбатлилик коэффициенти **0,7** дан паст бўлган **38 та** мактаблар тажриба-синов тариқасида хусусий сектор вакилларига **5 йилга** ишончли бошқарувга берилади.

Умумтаълим мактабларида фаолият кўрсатаётган ўрта маҳсус маълумотли педагогларни сонини **4,3 фоиздан - 3 фоизга** туширилади.

Мактаб битирувчиларини олий таълим муассасаларига ўқишга киришини **камидга 25-30 фоизга** етказилади.

Шунингдек, таълим сифати паст, моддий-техника таъминоти етарли бўлмаган **100 та** умумтаълим мактаблари “намунали мактаблар”га айлантирилади.

Япония давлати тажрибаларини ўрганган ҳолда халқ таълими тасарруфидаги **8 та** умумтаълим мактаблари бўйича тажриба синов тариқасида тарбия дарси, соғлом овқатланиш, меҳнатсеварлик, тозалик, китоб ўқиш, спорт билан шуғулланиш ва ота-оналар билан ишлаш **тизими жорий этилади**.

Олий таълим тизими:

Вилоятимизнинг **илмий – инновацион фаолиятини** янада ривожлантириш мақсадида Инновацион ривожланиш вазирлиги ва олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда (74,0 млрд.сўмлик) **6 та лойиҳаларни** амалга оширилади. Шу жумладан,

- Наманган Давлат университети томонидан Наманган шаҳар Бобуршоҳ кўчасида қиймати **65,0 млрд.сўмлик** **2 минг** ўринга мўлжалланган “Инновация” факультетини ташкил этиш.

Бундан ташқари, Наманган вилоятида мавжуд муаммолар ечимиға қаратилган тайёр илмий ишланмалар ва янги буюртмалар бўйича жами **16 та** лойиҳалар амалга оширилади ва маҳаллий бюджетдан **6,9 млрд.сўм** ажратилади.

Соғлиқни сақлаш тизими

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 12 ноябрдаги **ПФ-6110-сонли** Фармонига асосан бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлақо янги механизmlарни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислоҳотлар самараадорлигини янада **ошириш чоралари кўрилади**.

Фармонга мувофиқ, **Наманган шаҳри ва Тўракўргон туманида** жорий йил якунига қадар такомиллаштирилган тиббий профилактика ва патронаж хизмати устувор равишда тўлиқ жорий қилинади.

Шу билан бирга, аҳоли ўртасида **карантин қоидаларига** қатъий риоя қилиш, ўзи ва оила аъоларининг соғлиқларига эътибор берган ҳолатда

жамоат жойларида ижтимоий масофани сақлаш, ниқоб тақиши, дезинфекция ва бошқа санитария-гигиена талабларига сўзсиз **амал қилиш чоралари кўриб борилади.**

Шунингдек, **тўй ва тадбир маросимларини** карантин талаб ва қоидаларига мувофиқ ўтказлиши бўйича кенг тарғибот ишлари давом эттирилади.

Шу билан бирга, илғор чет давлатлар тажрибасини олиб кириш бўйича умумий қиймати **41,0 млн.долларлик 3 та лойиҳа устида иш олиб бормоқдамиз.**

Мисол учун, Наманган шаҳридаги Мерримед МЧЖ ҳамда **Германия давлати билан имзоланган келишувга асосан**, хорижий инвесторлар томонидан киритиладиган **30 млн. доллар** миқдоридаги инвестиция ҳисобига замонавий кўп тармоқли тиббиёт муассасаси ташкил этиш бўйича қурилиш ишлари бошланган, 2021 йилнинг 2-чорагига лойиҳани якунлаш кўзда тутилган.

Яна бир мисол, Тўракўрғон туманида “FT ТЕКСТИЛ” МЧЖ томонидан **8 млн. доллар** маблағлар ҳисобига **40 ўринли** эндокринология маркази фаолияти йўлга қўйилади.

Спорт ва туризм ўналиши

Спорт соҳасида:

Ёшлиарни спорт турлари билан шуғулланиши, компьютер саводхонлигини ошириш мақсадида вилоятдаги барча умумтаълим мактабларининг спорт залларида спорт турлари ҳамда **компьютерхоналарида тўгараклар** ташкил қилиш устида ишлаймиз.

Бу борада, маҳаллалар, таълим муассасалари, корхона ва ташкилотларда аҳоли ўртасида **5 500 дан** ортиқ оммавий спорт мусобақалари ва тадбирларини тизимли равишда ўtkазиш орқали аҳолининг кенг қатламларини оммавий жисмоний **тарбия ва спортга жалб этилиши таъминланади.**

2021 йилда ҳудудларда **3-5 км** дан иборат бўлган аҳолининг велосипед ва пиёда ҳаракатланишлари учун **“Саломатлик йўлаклари”** ташкил қилинади, **151 та** спорт иншоотларини таъмирланади шунингдек, **154 та** **“стритбол”, “воркаут”, “Бадминтон”** майдончалари ташкил этилади.

Бунинг ҳисобига аҳолининг камида **40 фоизи** спортга қамраб олинади, жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланадиган аҳолининг умумий сонини **30 фоизга** етказилади.

Шунингдек, Марказий Осиёда ягона бўлган замонавий барча қурайликларга эга халқаро талабларга тўла мос келувчи **славинда эшкак**

ЭШИШ БАЗАСИННИ “АФСОНАЛАР БОҒИ”ДА қуриш ишлари бошланади.

Шу мақсадда 2021 йил давомида **2737 та** оммавий спорт мусобақалари, **480 та** вилоят биринчиликлари ҳамда **84 та** ўқув машғулот йиғинлари ўтказилади. Бу биринчиликларни навбатда **МАКТАБ ЎҚУВЧИЛАРИ ЎРТАСИДА**, босқичма-босқич аҳоли ўртасида ташкил этилади.

Шу билан бирга, вилоятдаги барча **бошқарма ва ташкилотлар**, шаҳар ва **туман ҳокимликлари, сектор раҳбарлари** ва бошқа **мехнат жамоалари** спортга жалб этилади ҳамда мунтазам спорт мусобақалари ўтказиб борилади.

Туризм соҳасида:

Зиёриёрат туризмини янада ривожлантириш, сайёхлари оқимини кўпайтириш мақсадида 2021-2023 йиллар давомида яна **33 та** зиёрат обьектларида реконструкция, таъмирлаш, инфратузилмани ривожлантириш лойиҳалари амалга оширилади.

Наманган вилоятининг туризм салоҳиятини ошириш, соҳада янги лойиҳаларни амалга оширилишини таъминлаш мақсадида **2021-2023 йиллар учун дастур** ишлаб чиқилди.

Мазкур дастурга **167 та** лойиҳа киритилиб, туризм соҳасида хизматлар хажмини ва сифатини ошириш, **ялпи ҳудудий маҳсулот**даги туризмнинг улушини кўпайтиришга хизмат қиласи.

Шунингдек, вилоядта **4 та** туристик маҳалла ташкил этиш **концепцияси ишлаб чиқилди**: бунда

- Поп тумани **Чодак қишлоғида** (*100 та иш ўрни*);
- Чуст тумани **Фова қишлоғида** (*80 та*);
- Янгиқўрғон Тумани **Нанай қишлоғида** (*140 та*);
- Косонсой тумани **Олмазор маҳалласи** (*80 та*).

Мазкур маҳаллаларда **100 дан** ортиқ оилавий меҳмон уйлари, фаол дам олиш обьектлари, миллий ҳунармандчиллик маҳсулотлари савдоси, миллий урф-одатлар билан таништириш хизматлари йўлга қўйилади.

Шунингдек, умумий қиймати **618,0 млрд.сўмлик 155 гектар** майдонни эгаллаган **«Афсонлар водийси»** боғида айни пайтда **113 та** тадбиркорлик субъектлари томонидан **16** турдаги аттракционли тематик парк, **2 400 ўринли** амфитеатр, **7 хил** сув аттракционлари ва **16 та** бассейнли аквапарк, **2 та** замонавий шаршара ва мусиқали фаввора, **3 та** ресторон, **1 800 ўринли** **2 та** автотурагроҳ ташкил этилган. **2022 йил март** ойига қадар миллий ҳунармандлар маркази, масжид, **400 ўринли** меҳмонхона, **110 та** виллани

ишга тушириш режалаштирилган. Боғ тўлиқ фойдаланишга топширилса йилига **600 минг** нафар аҳолига хизмат кўрсатиш имконияти яратилади.

Шу билан биргалиқда, ҳомийлик ва бюджет маблағлари ҳисобидан Наманган шаҳридаги “Ўнбир Аҳмад зиёратгоҳи”, “Қодирхўжа эшон уйи”, Уйчи туманидаги “Девона бува зиёратгоҳи”, Чуст туманидаги Буонамозор зиёратгоҳи”да, “Айри том бобо зиёратгоҳи” ҳамда Наманган туманидаги “Хилватхона зиёратгоҳи”да **реставрация тиклаш ишлари амалга оширилади.**

Наманган вилоятини туризм салоҳияти ва имкониятларни акс эттирувчи ҳужжатли фильм, видеороликлар, янги эко-туризм йўналишларни тайёрлаш, соҳага малакали мутахассислар тайёрлаш учун **10 нафар** иқтидорли талабаларни бюджет ҳисобидан туризм ривожланган **хорижий давлатларга ўқишга юбориш режалаштирилди.**

Наманган вилоятида 2021 йилда туризм соҳасига бағишлиланган **10 дан ортиқ тадбирлар** ташкил этилиши режалаштирилган. Хусусан,

- **“Нон фестивали”** байрами доирасида юртимизда илк бора барча нон турлари тайёрланиб, хорижий ва махаллий туристларга хавола қилиш;

- **Наврӯз сайли** умумхалқ байрами дирасида **7 тонналик сумалак** тайёрлаш;

- Наманган шаҳрида май ойида **60-юбилей “Гуллар фестивали”ни** ўтказиш. Мазкур тадбирда чет әллик гулчилар ҳамда сайёхлар иштирок этиши кутилмоқда.

- гастрономик туризмни янада ривожлантириш мақсадида Наманган шаҳрининг марказида (“Афсоналар водийси” боғида) **«Taste of Uzbekistan»** гастрономик фестивалини ўтказиш;

- Чуст туманида **“Ош фестивалини”** ўтказиш, халқаро велосипед кунига, **“Тунги велосайр”** ташкил этилади.

Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш йўналиши

Аҳоли бандлигини таъминлаш:

Ҳар йили меҳнат бозорига **40 минг нафар** ёшлар кириб келмоқда. Уларга муносиб иш ўринлар яратиш энг катта вазифа бўлиб қолади.

Келгуси 2021 йилда барча соҳа ва дастурлар доирасида жами **47,0 мингта** янги иш ўринларини яратилади. Жумладан:

- бандлик дастурига асосан **32,0 мингта** янги иш ўринларини яратиш;
- оиласвий тадбиркорликни ривожлантириш учун **720 млрд.сўм** миқдорида кредитлар ҳисобига **8,4 мингта** янги иш ўринларини яратиш;
- хотин-қизларни бандлигини таъминлашда **130 млрд.сўм** кредит

хисобига **1,2 мингта** янги иш ўринларини яратиш;

- кичик бизнесни ташкил этиш, вакант иш ўринларини тўлдириш ва бошқалар хисобига **5,3 мингта** иш ўринлари яратилади.

Шунингдек, Наманган шаҳридаги сабиқ “Карбонам” МЧЖ бино иншоотлари негизида **“Ишга марҳамат” мономаркази** ва унинг **14 та** филиаллари ташкил этиш орқали йилига **10 минг** нафардан ортиқ ишсиз ва хорижда ишлаш истагида бўлган фуқаролар ўқув курсларига қамраб олинади.

Бундан ташқари, Наманган шаҳридаги Давлат хизматлари маркази биносининг **4 қаватида** энг илғор хорижий тажрибалар намунасида **«IT park» мажмуаси** ташкил этилади ҳамда мазкур мажмууда замонавий ахборот дастурларини яратиш учун инновацион технологиялар асосида ишлайдиган **«IT school»** ахборот технологиялар маркази жойлаштирилади

Маҳалла, ёшлар ва хотин-қизлар йўналишида:

“Маҳалла раиси – ислоҳотчи” тамойили асосида ижтимоий муаммоларни ҳал қилиш бўйича янги тизимда иш олиб борилади.

Бунда ҳар бир ҳоким, иқтисодий комплекс раҳбарлари худуддаги муаммолар бўйича тизимли иш олиб боради ва ҳар бир маҳаллага иқтисодий комплекс ходимлари бўлган бир нафар **иқтисодчи** ва бир нафар **банк ходимлари бириктирилади**.

Яна бир мухим масала, ёшлар ва аёлларга ижтимоий ёрдам бериш, ишсиз ёшлар ва хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида шакллантирилган **“Ёшлар ва Аёллар дафтари”**.

Маълумот ўрнида: вилоятда аҳоли сони 2,8 млн.нафар, шундан 1,4 млн. нафарини хотин-қизлар ҳисобланиб, 30 ёшдан юқори бўлган аёллар 632,6 минг нафарни ташкил этади.

Ёшлар дафтари:

Дафтарни шакллантиришда вилоятда мавжуд **500 074 та** хонадонларда яшовчи жами **567,5 минг нафар ёшлар** (18-30 ёш) уйма-уй юриш орқали муаммоларини ўрганиш бўйича вилоят штаби таркиби, секторларда ишловчи **48 та** махсус ишчи груп таркиби ҳамда **3,0 мингдан** ортиқ “уйма-уй хатловдан ўтказувчи” ишчи груп таркиби ишлаб чиқилиб тасдиқланди.

Тузилган ишчи груплар томонидан **775 та** маҳалалардаги **495 914 та** хонадонларда уйма-уй юрган ҳолда хатловдан ўтказилди. Ўтказилган ҳатлов натижасида **559 353 нафар** (99,1 фоиз) ёшларнинг анкета сўровномалари тўлдирилди.

Тўлдирилган анкеталарга асосан **“Ёшлар дафтари”**га

киритиладиган **16 160 нафар** (8044 нафар ўғил, 8116 нафар хотин-қизлар) ёшларни рўйхатлари шакллантирилди.

Аёллар дафтари:

Дафтарни шакллантиришда вилоят бўйича ҳозирги кунга қадар **493 603** та хонадонлар (98,7%) тўлиқ хатловдан ўтказилиб, натижада **586 659 нафар** (92,7%) аёллар томонидан анкета-сўровнома тўлдирилди ва **527 699 нафари** (89,9%) электрон базага киритилди.

Шундан, **22 038 нафари** (4,2%) “**Аёллар дафтари**”га киритилиши режалаштирилди.

Маҳаллий бюджетнинг ортириб бажарилган қисмидан шаҳар ва туманларда ташкил этилган **жамғармаларга йўналтириб**, “Темир дафтар” “Аёллар ва Ёшлар” дафтарларидаги фуқаролар эҳтиёжи учун сарфланади.

Эътиборингиз учун раҳмат !!!